

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШНИ ҚОНУНЧИЛИК БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич
Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси бошлиғи
Сафаров Эркин Насиллоевич
ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси

Аннотация: Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида, хусусан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ муаммоларни назарий жаҳатлари ўрганилган ва тадбирларни ўтказишнинг қонунчилик билан таъминлаш хусусиятларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув фаолиятининг принциплари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари ва шартлари, амалга ошириувчи органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “...қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётийлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур[1], деган фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам тезкор-қидирув тадбирларини тартибга солувчи қонунларда муайян бўшлиқлар бўлиб, улар қонунчилик билан таъминлашга салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва ҳуқуқий таъминлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини қонунчилик билан таъминлаш мақсадида қабул қилинган Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунни бунга мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Ушбу қонун нафақат тезкор-қидирув фаолияти масалаларини ҳал этишда тегишли тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилмоқда, балки жинойтларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда мазкур фаолият катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Қонунда (3-м) тезкор-қидирув фаолияти тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади деган нормани, шунингдек, олимларнинг “Тезкор-қидирув тадбирлари институти тезкор-қидирув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланиб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади”[2] деган фикрларини таҳлил қилиш бизга тезкор-қидирув фаолияти фақат

тезкор-қидирув тадбирлари орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Шунинг учун ҳам ИИО томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан таъминлаш муаммосига тўхталиб ўтиш даркор.

ИИО томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан таъминлаш деганда қонунчилик билан тартибга солиш назарда тутилган бўлиб, “қонунчилик” сўзи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси[3] ёки муайян давлатда амалда бўлган маълум бир соҳани тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси[4], “тартибга солиш” эса “тартибга солмоқ” атамасидан олинган бўлиб, бирор нарсани тартибли ҳолатга келтирмоқ[5] деган маънони англатади.

Бундан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни қонунчилик билан тартибга солиш ушбу фаолият билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўзида мужассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисини англатишини тушунишимиз мумкин.

Юқоридагиларни таҳлил қилиш орқали тезкор-қидирув тадбирларини қонунчилик билан тартибга солишга қуйидагича таъриф бериш мумкин: *“Тезкор-қидирув тадбирларини қонунчилик билан тартибга солиш – мазкур соҳада юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ўзида қамраб олган халқаро шартномалар, қонунлар, қонуности ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш асослари, шартлари, ташкил этиш ва тактикаси, натижаларини расмийлаштириш, шунингдек, ҳамкорликда тадбирларни амалга ошириш механизмнинг белгиланишидир”*.

Махсус адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, тезкор-қидирув фаолиятида, хусусан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ муаммолар назарияда етарли даражада ўрганилмаган. Айни пайтда тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиш учун тезкор бўлинмалар фаолиятида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни ўрганиш муҳим[6] бўлиб, айниқса, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида жуда долзарбдир. У. Тожихонов таъкидлаганидек, ижтимоий муносабатларни, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг хулқ-атворини тартибга солишда ҳуқуқнинг ролини ошириш жараёни ҳуқуқнинг халқ сиёсати, манфаатлари ва иродасини ифодалаш ҳамда амалга ошириш воситаси эканлигидан келиб чиқади. Бу имкониятда нафақат ҳуқуқий нормалар мажмуи, балки жамоатчилик билан муносабатларни тартибга солиш функциясини бажаришга қодир бўлган мураккаб динамик ижтимоий тизим ҳамда турли ижтимоий жараёнларни илмий асосланган бошқариш табиийдир[7].

Шуни таъкидлаш керакки, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишдаги ҳуқуқий муносабатларни ўрганишнинг долзарблиги тезкор бўлинмалар ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ҳаракат механизмини қайта кўриб чиқиш ҳамда тушуниш учун муҳимлиги билан белгиланади. Юридик адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ турлича қарашлар мавжуд. Шунга қарамай уларнинг барчасига хос умумий хусусиятларни ажратиш кўрсатиш мумкин. *Биринчидан*, ҳуқуқий муносабатлар ва ҳуқуқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги, *иккинчидан*, субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар шаклидаги ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ўртасидаги алоқанинг кўринишлари, *учинчидан*, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун давлатнинг мажбурловчи кучидан фойдаланиш кафолати[8].

Тезкор бўлинмалар фаолиятини таҳлил қилиш иштирокчилар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўплигини кўрсатади[9]. Бу муносабатлар орасида жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятининг куч, восита ва тадбирларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган энг асосийларини ажратиш кўрсатиш лозим. Бошқа барча муносабатлар фақат улар билан боғлиқ ҳолда ва уларнинг муваффақиятли ҳал қилинишига кўмаклашиш учун пайдо бўлади.

Тезкор-қидирув тадбирлари иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган фактик муносабатларни ўрганиш улар ҳуқуқий муносабатларнинг асосий белгиларини ўз ичига олган, деган хулосага келиш имконини беради. Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, ҳуқуқий нормалар асосида юзага келади, тарафларнинг субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлари орқали амалга оширилади, юридик фактлар мавжудлигида келиб чиқади, ўзгаради ва тугатилади, давлат ҳимоясида бўлади. Ушбу белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда, давлат норматив ҳужжатларни қабул қилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг таркибий қисми сифатида тезкор-қидирув тадбирларини тартибга солишга интилади, ҳуқуқий нормалар тизими, уни ўтказишга ваколатли шахслар доирасини чеклайди, уларнинг ҳаракатларига ҳуқуқий характер беради ва шу билан тегишли ижтимоий муносабатларни келтириб чиқаради. Бу билан давлат объектив зарур ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича ўз иродасини ифода этади. Ҳуқуқий нормалар, ўз навбатида, тезкор-қидирув муносабатларига унинг иштирокчилари онги ва иродаси орқали таъсир кўрсатади[10].

Шу муносабат билан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти қонун устуворлиги билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг вужудга келишидир.

Ҳуқуқий муносабатлар – муайян тузилишга эга бўлган мураккаб ҳосилалардир. Асосий элементларига қуйидагилар киради: субъектив ҳуқуқлар, юридик мажбуриятлар, субъект ва объект. Ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг ўзгариши ва тугатилиши юридик фактлар бўлган ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган муайян шарт-шароитлар мавжудлигида юз беради. ИИОнинг тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар икки турга бўлинади: тартибга солувчи ва ҳимоя қилувчи (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи).

Тезкор-қидирув тадбирларига тайёргарлик кўриш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларга тартибга солувчи сифатида қаралиши лозим. Дарҳақиқат, тезкор бўлинмалар, ИИОнинг бошқа хизматлари ҳамда бошқа органлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини таҳлил қилсак, унда ушбу ҳуқуқий муносабатлар тартибга солувчи (ҳуқуқий ташкил этиш) функцияни бажариши шубҳасиздир.

Бироқ аксарият ҳолларда жиноятчиликка қарши курашда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларида куч, восита ва усулларида фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳисобланади. Улар ва тартибга солувчи ўртасидаги фарқ шундаки, уларнинг юзага келиши учун ноқонуний ҳаракатлар, давлат органининг мажбурий иштироки бўлиши керак, уларнинг юзага келиши ва келишилган оқибатларнинг бошланиши, муайян босқичма-босқич амалга оширилиши учун субъектларнинг ўзаро розилиги керак эмас. Бундан ташқари, улар ўзларининг мақсадлари билан тартибга солишдан фарқ қилади. Тартибга солувчи айрим субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашга мўлжалланган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, аввало, фуқаролар, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатларини жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Демак, иккинчиси ҳимоя вазифасини бажаради, чунки улар жиноятларнинг олдини олиш ва аниқлашни амалга оширувчи махсус ваколатли шахсларнинг муайян ҳуқуқ-тартибот фаолияти натижасида шаклланади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳам уларнинг бир хил эмаслиги билан тавсифланади (тезкор бўлинмалар – назоратдаги шахс, тезкор ходим – кўмаклашувчи шахс ва бошқ.). Бу ҳуқуқий муносабатларнинг ҳар бири ўз навбатида алоҳида ҳуқуқий муносабатларни ўз ичига олади. Масалан, жиноятни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларида қуйидаги ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади: фуқаролар билан ҳамкорлик қилиш; жиноят содир этишда асосли гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш; тезкор текширув, тезкор-қидирув иш юритув ишларини юритиш ва бошқалар тўғрисида.

ИИО томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар кўп тизимли ва кўп субъектликдир. Ушбу тизимнинг барча ҳуқуқий муносабатлари жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнини тартибга солишга қаратилган нормаларни амалга ошириш асосида вужудга келади: шахслар ва фактларни аниқлаш; шахсларнинг жиноий фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил қилиш; профилактик ҳисобга олинган шахсларни тезкор кузатиш; йиғмажилдларни юритиш; шахсларнинг жиноий ҳаракатларини ҳужжатлаштириш; тайёрланаётган ва содир этилаётган жиноятларни бартараф этиш учун тезкор-қидирув тадбирларида тезкор-қидирув фаолиятининг куч, восита ва усулларида фойдаланиш; суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахсларни, бедарак йўқолган шахслар ва қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидиришни амалга ошириш учун тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларида фойдаланиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, маъмурий ҳуқуқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа турлари жараёнида вужудга келадиган муносабатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларида фойдаланишдан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар масалаларини янада тўлиқроқ ёритиш учун ушбу ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини кўриб чиқиш лозим.

Маълумки, ҳуқуқий муносабатлар ҳар доим аниқ шахслар, яъни субъектлар ўртасида шаклланади, уларга одатда, ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчилари бўлиш имконияти ёки қобилияти берилади, яъни, ҳуқуқларга эга бўлиш ва муайян вазифаларни бажариш. тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш амалиётини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари, биринчи навбатда, тезкор бўлинмалар ва ушбу бўлинмаларнинг тезкор ходимлари; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; кучлар, воситалар ва усуллар қўлланилган шахслар; ташкилот ва муассасалар мансабдор шахслари; турли ҳолатлар туфайли кўмаклашувчи шахс сифатида тезкор-қидирув фаолияти соҳасида фойдаланилган фуқаролар; ИИОнинг тезкор-қидирув функцияларига эга бўлмаган ходимлари ва бўлинмалари.

Шу билан бирга, уларнинг барчаси бир-биридан ҳуқуқий ҳолати, ваколатлари, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш хусусияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларида фойдаланишдаги роли, ўрни ва мақсади билан фарқ қилади.

Уларнинг баъзилари ҳокимият ваколатига эга бўлиб, жиноятчиликка қарши курашда кучлар, восита ва усуллардан фойдаланишга чақирилади, бошқалари эса бу жараённинг барча босқичларида иштирок этиб, барқарор мавқени эгаллайдилар. Улар орасида ушбу жараённинг босқичларидан бирида ёки фақат алоҳида тезкор-қидирув тадбирларида қатнашадиганлар ҳам бор[11].

Т.Р. Сайтбаев барча субъектлар бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эмаслигини, улар бир хил даражада тезкор-қидирув функцияларини бажармаслигини жуда тўғри таъкидлаган. У субъектларни фарқлаш зарурлигини асослайди, бу эса унинг фикрига кўра, уларнинг моҳиятини янада чуқурроқ очиб бериш ва ҳар бирининг тезкор-қидирув функцияларини бажаришдаги ролини кўрсатиш имконини берибгина қолмай, балки тезкор-қидирув фаолиятини ҳуқуқнинг мустақил тармоғи сифатида аниқ белгилаш ва тегишли фанлардан ажратишга ёрдам беради.

Тезкор ходимлар фаолиятнинг субъекти, бу жараённи тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари билан эътироф этилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг потенциал ташувчиси бўлиб, аниқ ҳуқуқий муносабатлар субъекти – бу тезкор-қидирув тадбирларида муайян мавқени эгаллаган шахсдир (тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этаётган ёки тадбир ташаббускори бўлган тезкор ходим; тадбир иштирокчиси бўлган кўмаклашувчи шахс ва бошқ.).

Ҳар қандай ҳуқуқий муносабатларнинг элементларидан бири объектдир. Объект деганда, кўриб чиқилаётган ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ҳаракатлари нимага қаратилганлиги ёки нима билан боғлиқ эканлиги тушунилади. Объектни ўрганиш ёрдамида муайян ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини, унинг субъектларини тушуниш ва ҳуқуқий муносабатларни таснифлаш мумкин.

Бизнингча, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш давомида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар объектларининг икки категориясини ажратиш кўрсатиш зарур. Улардан биринчиси – бу ҳуқуқий муносабатларнинг барча мажмуи томонидан кўрсатилган умумий объект; иккинчиси маълум – аниқ ҳуқуқий муносабатлар ёрдамида ва махсус деб аталади. Тезкор-қидирув тадбирлари давомида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг умумий объекти жиноят-ҳуқуқий муносабатлардир. Жиноятчиликка қарши курашда тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг умумий объекти, жиноят-процессуал ҳуқуқий муносабатлар бир хил бўлса, яъни, у тўғри келса, алоҳида, ўзига хос ҳуқуқий муносабатларнинг махсус объекти одатда бошқача бўлади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш давомида вужудга келадиган ўзига хос ҳуқуқий муносабатларнинг махсус объекти субъектнинг ҳаракати нимага

қаратилган бўлса шу ҳисобланади. Айтиш мумкинки, махсус объект – жиноятчиликка қарши курашнинг аниқ вазифаларини ҳал этиш бўйича ўтказилган маълум бир тезкор-қидирув тадбирларининг натижасидир.

Тезкор-қидирув тадбирларида ҳуқуқий муносабатларни янада тўлиқроқ ёритиш учун ушбу фаолиятда ҳуқуқий муносабатларнинг табиатини кўриб чиқиш зарур кўринади. Махсус адабиётларда илгари тезкор аппаратларнинг кўп қиррали фаолияти жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини ўрганишга уринишлар қилинган.

А.Г. Лекаръ ва Д.В. Гребельский тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ўз ҳуқуқий табиати билан маъмурий-ҳуқуқий жиҳатдан, биринчи навбатда, бу муносабатларнинг яширин хусусияти билан асослаб берди[12].

Юридик адабиётларда ҳар қандай ҳуқуқий норма ҳуқуқий муносабатлар шаклида амалга оширилади, деган фикр мавжуд. Ушбу қоида ва жиноят-процессуал қонунчилигида тезкор-қидирув фаолиятининг кучлари, воситалари ва усулларини қўллаш бўйича тезкор аппаратларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш асосида Н.И. Сидоренко кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг ҳуқуқий табиати билан процессуал эканлигини таъкидлаган[13].

В.Г. Каримов процессуал иш юритиш, яъни кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларни фақат процессуал деб ҳисоблайди[14].

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, хулоса қиладиган бўлсак, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг хусусияти ва моҳияти масаласи ҳали етарли даражада ўрганилмаган ва шунинг учун ҳам у мунозаралидир. Бизнингча, мавжуд барча ёндашувлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг ҳуқуқий табиатини бир неча сабабларга кўра аниқ ёритиб беришга имкон бермайди.

Биринчидан, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мураккаб ва кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда тугатилиши жиноятларнинг олдини олиш, фош этиш ва яширинган жиноятчиларни қидириш учун ўзига хос кучлар, воситалар ҳамда усулларни қўллаш билан боғлиқ[15]. Бу муносабатлар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқ тармоқларидан бирортасини тартибга солишнинг алоҳида тизими билан тўла қамраб олинмайди ва шунга кўра, улар маъмурий-

ҳуқуқий, процессуал, меҳнат ёки бошқа ҳуқуқий муносабатларга бирдек киритиш мумкин эмас.

Иккинчидан, ҳуқуқ назариясида хусусий шартнинг мажбурий мавжудлиги тўғрисида умумий қабул қилинган қоида – ҳуқуқий муносабатнинг пайдо бўлиши учун юридик факт мавжуд[16]. Махсус адабиётларда тезкор-қидирув фаолиятининг куч, восита ва усулларида фойдаланиш жараёнида юридик фактлар юзага келишига доир қоидалар кўрсатилган. Одатда, тезкор бўлинмалар фаолиятидаги ҳуқуқий муносабатлар ривожланишининг турли босқичларида бўлиши мумкин бўлган жиноят билан боғлиқ бўлган у ёки бу даражадаги юридик фактлар натижасида пайдо бўлади. Масалан, агар жиноят содир этилган ёки тайёрланаётган бўлса, юридик фактларни иродавий асосда таснифлашга мувофиқ, у ноқонуний ҳаракат – жиноятдир. Агар жиноят фақат режалаштирилаётган бўлса, ноқонуний (қонунга зид) ҳолат юридик факт бўлади. Қонунга асосланган тезкор бўлинмаларнинг қарама-қаршилигига ноқонуний ҳолат ёки қонунга зид ҳаракат қарши бўлган ҳолларда (тезкор кузатув ёки тезкор ишлов йиғмажилди юритилади) тезкор-қидирув ҳуқуқий муносабатлар вужудга келади[17].

Учинчидан, жиноятчиликка қарши курашда ўз ихтиёридаги кучлар, воситалар ва усуллари қўллаш бўйича тезкор аппаратларнинг фаолияти норматив ҳужжатларнинг муайян тизими билан тартибга солинади, асосан, турли ҳуқуқ соҳалари, шунга кўра, уларга хос муайян ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Масалан, конституциявий ҳуқуқ фақат махсус ваколатли давлат органлари ва шу органлар ходимлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган махсус тезкор-қидирув функциясининг мавжудлигини эътироф этади[18]. Жиноят-ижроия ҳуқуқи жазони ижро этиш муассасаларида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишни тартибга солади[19]. Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган фаолият ҳуқуқий муносабатларининг ҳуқуқий табиати ҳақида гапирганда, маъмурий-ҳуқуқий, жинорий-ҳуқуқий, процессуал, меҳнат ва конституциявий-ҳуқуқий, жинорий-ижроия ва тезкор-қидирув ҳуқуқий муносабатлар билан бирга тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида пайдо бўлишини таъкидлаш мумкин.

Юқорида қайд этилганлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш жараёнида махсус ҳуқуқий муносабатлар мавжуд деган хулосага келиш имконини беради, яъни: тезкор-қидирув фаолиятининг ажралмас қисми сифатида тезкор бўлинмаларнинг ушбу фаолиятига хос; юридик фактлар (ноқонуний ҳаракатлар ва қонунга зид ҳолатлар) натижасида келиб чиқадиган; турли ҳуқуқ соҳалари норматив ҳужжатларининг мураккаб тизими доирасидан келиб чиққан ҳолда, тезкор-қидирув ҳуқуқи тизими янги шакллана бошлаганлиги сабабли; конституциявий-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, жиноят-

процессуал, жиноят-ижроия ва бошқа ҳуқуқий муносабатларга нисбатан ёрдамчи ролни бажариш; тезкор-қидирув фаолияти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки улар асосан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш билан амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. ¹ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Миллий тараққиёт йўлиминизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж. 1. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
2. ¹ *Закиров Б.Э., Каримов В.* «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ахборотномаси. – 2013. №1. – Б. 25.
3. ¹ Юридик луғат – Миллий ҳуқуқий интернет портали // Электрон манба: URL: <https://huquqiportal.uz/dictionary> (мурожаат вақти: 06.03.2023).
4. ¹ QOMUS.INFO // Электрон манба: URL: <https://qomus.info/encyclopedia/cat-q/qonunchilik-uz/> (мурожаат вақти: 04.03.2023).
5. ¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли: 80.000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV Т-Тартибли / Таҳрир ҳайъати: А.Мадвалиев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 687.
6. ¹ *Лукашов В.А.* Правовые и организационно-тактические проблемы советского уголовно розыска: Автореф. дис ... д-ра юрид. наук. – М., ВШ МВД СССР, 1972, – С. 22.
7. ¹ *Таджиханов У.* Методологические проблемы права // Закон. Человек. Государство. – Т., 1997. – С. 49.
8. ¹ *Саидов А.Х., Таджиханов У., Одилкориев Х.* Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т., 2002. – С. 396-398.
9. ¹ *Едгоров Х.Ж., Пулатов Т.Ю.* К вопросу о правоотношениях в оперативно-розыскной деятельности // Жиноятчиликка қарши курашда оператив қидирув фаолияти назарияси ва амалиёт. – Т., 2005. – С. 28.
10. ¹ *Маркушин А.Г.* Теоретические основы оперативно-розыскной деятельности и ее правовое регулирование. – Нижний Новгород, 1992. – С. 26-27.
11. ¹ *Саитбаев Т.Р.* О природе правоотношений возникающих в процессе осуществления оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел // Вопросы совершенствования деятельности оперативных аппаратов органов внутренних дел в борьбе с преступностью. – Т., 2000. – С. 3-10.
12. ¹ *Лекарь А.Г., Гребельский Д.В.* О новой программе курса «Оперативно-розыскная деятельность органов охраны общественного порядка // Труды ВШ МООП РСФСР. – М., 1963. – Вып. 3с. – С. 18.

- 13.¹ *Сидоренко Н.И.* Правоотношения в оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел. – Киев, 1988. – С. 31-32.
- 14.¹ *Каримов В.* Ички ишлар органлари оператив-қидирув фаолиятида қонунийликни таъминлаш. – Т., 1999. – 124 б.
15. Рахимхўжаев, Р. Н., & Якубов, Х. Ш. (2024). ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАДБИРИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ ТАҲЛИЛ. Yangi O'zbekiston taraqqiyotida tadqiqotlarni o'rni va rivojlanish omillari, 8(2), 275-280.¹
16. *Алексеев С.С.* Проблемы теории права. – Свердловск, 1972. – С. 343.
- 17.¹ *Саитбаев Т.Р.* Теоретические и правовые основы оперативно-розыскной деятельности органов милиции. – Т., 2003. – С. 101-102.
- 18.¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/20596> (мурожаат вақти: 16.08.2020).
- 19.¹ Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия кодекси // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/163629> (мурожаат вақти: 15.07.2021).